

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

ЖОМБОЙ ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ

Қўчқаров Бахтиёр Рўзмуҳамад ўғли
тадқиқотчи-изланувчи

Долзарблиги. Ўзбекистонда тупроқлардан рационал ва унумли фойдаланиш табиат ресурслари ичида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш учун бир қанча агротехник тадбирлар мажмуасини қўллаш керак бўлади. Лекин, бундай тадбирларни қўллашдан олдин, тупроқларнинг иқлим минтақаси, антропоген таъсир, сифат даражаси, мелиоратив ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Тупроқларнинг геоморфологик, гидрологик жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Сўнгги йилларда Республикаизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида тупроқларнинг физикавий хоссаларини ўрганиш ва бу хоссаларни ресурс тежамкор, самарали илмий ишланмалар билан биргалиқда ривожлантиришни тарғиб қилиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Олинган натижалар. Солиштирма оғирлик билан механик таркиб узвий боғлиқ бўлиб, механик таркибни ўрганишда тупроқлар қаттиқ фазаси оғирлигини ўрганиш муҳим. Солиштирма оғирлик одатда, жуда кам ўзгарадиган катталик. Бўз – ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма ости қатлами кучли зичлашган. Лекин, лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, доимий суғориш таъсирида бирламчи минераллар парчаланади ва иккиласми оғир минераллар: магнетит, лимонит, гематитлар ҳосил бўлиши оқибатида, солиштирма массаси ҳам оғирлашиб бормоқда. Юқорида келтирилган массивлар тупроғининг солиштирма массасини қўрадиган бўлсак, ҳамма массивларнинг юқори қатламида ($0-240$) $2,71$ г/см², қўйи қатламларида эса (40 см дан пастда) $2,69-2,72$ г/см² атрофида тебраниб туради.

Тупроқларнинг ҳажм оғирлиги эса ўзгарувчан катталик бўлиб, тупроқнинг бир қанча хусусиятларига боғлиқ. Биринчи навбатда тупроққа ишлов бериш, суғориш, структура ҳолати бузилиши ҳажм массасининг ортиб боришига олиб келади. Иштихон тумани тупроқларининг турли массивларида ҲМ тупроқларнинг ҳолатига боғлиқ равишда юқори ҳайдов қатламларида $1,38-1,40$ г/см² ни, ҳайдов ости қатламларида эса $1,55$ дан $1,70$ г/см² атрофида бўлмоқда.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Хажм массанинг ҳайдов қатлами остида юқори бўлишига сугориш сувлари ва ишлов асбобларининг нотўғри қўлланиши натижасида бўлиши мумкин.

Маданий ўсимликларнинг мўътадил ўсиб, ҳосил беришида юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг яна бири, тупроқ ғоваклиги ҳисобланади. Бу кўрсаткич тупроқ аэрацияси ва сувларнинг ҳаракатланишига доимо имкон бериб туради ва тупроқдаги барча кимёвий, биологик жараёнларда иштирок этувчи ва бошқарувчи омил бўлиб ҳисобланади. Объектимиз тупроқларида ғоваклик кенг миқёсда тебраниб туриши маълум бўлди- 36 – 49%. Бу кўрсаткич ҲО га боғлиқ бўлгани учун, ҳажм масса ошиши билан ғоваклик ҳам ўзгара боради. Фақат айрим қатламлардагина ғовакликнинг кўрсаткичини мўътадил деб ҳисоблашимиз мумкин. Қуий қатламларда ушбу кўрсаткичининг миқдори табиий равишда пасая боради.

1-жадвал. Зарафшон дарёси ўрта оқими сугориладиган тупроқларнинг умумий физик хоссалари 2018 йил

№	Туманларни номи	Кесма чуқурлик, см	Солиширма оғирлик, СО г/см ³	Ҳажм оғирлик, ҲО г/см ³	Ғоваклик, %
1	Жомбой тумани Жомбой массиви ўтлоқи алювиал	0-23	2,64	1,40	53
		23-38	2,72	1,31	48
		38-87	2,70	1,28	47
		87-130	2,75	1,21	44
Зарафшон дарёси ўрта оқими сугориладиган тупроқларнинг умумий физик хоссалари 2019 йил					
2	Жомбой тумани Жомбой массиви ўтлоқи алювиал	0-23	2,66	1,39	52
		23-38	2,73	1,33	49
		38-87	2,71	1,30	48
		87-130	2,64	1,26	48

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, салбий омилларнинг доимо тупроқ сифатига, яъни унинг агрофизик хусусиятларига ҳам бир вақтнинг ўзида ва биргалиқда таъсир кўрсатиши мумкин. Бу омилларнинг таъсир доирасини изчил ўзгарганини ўрганиш учун, изланишлар олиб бориш лозим.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Тупроқларнинг асосий физик хоссаларини ижобий томонга ўзгартриш учун комплекс миқёсда ҳаракат қилиш зарур деб хисоблаймиз. Лекин ҳали тадқиқотлар давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Курвантаев Р. Оптимизация и регулирование агрофизического состояния орошаемых почв пустынной зоны Узбекистана: Автореф.дисс.док.с.х.наук. - Ташкент. 2000. 45 с.
2. Умаров М. У. О некоторых химических и физических свойства светлых гипсоносных сероземов Каршинское степи. Труды Ин-та почвоведения, вип. 6, Ташкент, Изд-во (Фан) 1970
3. Узоқов П. У., Хошимов Ф. Х., Садинов А. С. Самарқанд вилоятида тарқалган гипсли тупроқларнинг агрономик тавсифи.(Ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг институционал масалалари) Тошкент 2012. Б-101.
4. Құрвонтаев Р., Мусурмонов А. Тупроқ физикаси фанидан ўқув-услубий мажмua (І-қисм). –Гулистон, 2011. 120 б
5. Қўзиев Р. К., Сектименко В. Е. Почвы Узбекистана . Тошкент, 2009. С. 3-240.